

## Аллоҳга шукр қил!



08:04 / 07.03.2020 2713

Абдуллоҳ ибн Абу Нуҳ айтади: «Соҳилда бир киши менга: «Аллоҳ таоло қайтарган амалларни қилиб, осийлик қилган бўлсанг ҳам, Ул Зот сенга гўзал муомала қилган ҳолат ҳаётингда неча марта содир бўлган?» деб сўради. Мен: «Кўплигидан саноғини ҳам билмайман», дедим. У киши: «Бошингга кулфат тушиб, Аллоҳ таолога илтижо қилганингда бирор марта ёрдам бермаганини эслайсанми?» деди. Мен: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, У Зот ҳар сафар менга яхшилик қилиб, ёрдам берган», дедим. «Бирор нарса сўраганингда бермаганини эслайсанми?» деди. «Мен Ул Зотдан нимани сўраган бўлсам, ҳаммасини берган. Ёрдам сўрасам, ёрдам берган», дедим. У: «Бир одам дилингни хира қилса, қандай жазо берган бўлар эдинг?» деди. Мен: «Уни мукофотлашга ҳам, жазолашга ҳам қодир бўлмас эдим», дедим. У: «Сенга берилган неъматларнинг шукрини адо қилишда бор жидду жаҳдинг билан ҳаракат қилишингга энг ҳақли, энг лойиқ Зот Аллоҳ

таолодир. У аввал ҳам, энди ҳам сенга яхшилик қилади. Аллоҳга қасамки, У Зотга шукр қилиш бандаларга мукофот беришдан осон. Аллоҳ табарока ва таоло бандаларидан шукр тариқасида айтилган ҳамднинг ўзига ҳам рози бўлаверади», деб насиҳат қилди».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**